

“Ўзбектелеком” АК
Акциядорларининг 2025 йил
27 июндаги умумий йиғилишининг
67-сон баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг
кузатув кенгаши тўғрисида
НИЗОМ
(янги таҳрирда)

2025 й.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда – Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг (кейинги ўринларда – Компания деб юритилади) Устави, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссияси томонидан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари (талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган).

1.2 Мазкур Низом Компания кузатув кенгашининг мақомини, унинг ишини, унинг аъзоларини сайлаш, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, кенгаш йиғилишини ўтказиш ва қарор қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.3 Кузатув кенгаш Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Компания Устави билан Компания акциядорлар умумий йиғилишининг ҳамда коллегиял ижроия органи-бошқарувнинг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.4 Компания акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра кузатув кенгашнинг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши, мукофот тўловлари ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг чекланган миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

1.5 Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Компаниянинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан кўмиталар ташкил этилиши мумкин.

1.6 Компания акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилганда, Компания кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит кўмитаси ташкил этилади. Компаниянинг ички аудит хизмати ўз фаолиятида аудит кўмитасига ҳисобдордир. Кўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби мазкур Низом ва ташкил этиладиган кўмиталар фаолиятини тартибга солувчи тегишли ҳужжатларда белгиланади.

2. КУЗАТУВ КЕНГАШНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

2.1 Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Компания ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- Компания фаолиятида халқаро стандартлар талабларини татбиқ этиш орқали замонавий ва шаффоф бошқарув ҳамда ички назорат тизимларини жорий этиш, бундай тизимларнинг ишончли ишлашини таъминлаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бунда Компания кузатув кенгаши қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, бундай йиғилиш уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва ўтказиш учун Компания акциядорларининг реестрларини шакллантириш санасини белгилаш;

- Компания Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш билан боғлиқ масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- Компания мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- Компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек, унинг ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиб бориш;

- Компаниянинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Бунда Компания кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви ташқари), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Компаниянинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- Компаниянинг шўъба ва тобе (аффилланган) хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- Компания томонидан йирик битимлар тузиш рухсат бериш;
- Компания томонидан аффилланган шахс билан битимлар тузишга рухсат бериш;
- Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- Компаниянинг эълон қилинган акциялар сони ва турлари доирасида Компания томонидан қўшимча акциялар чиқариш ва қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Компания устав фондини кўпайтириш ҳамда эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
- Компания томонидан ўтган молия йил учун белгиланган бизнес-режа параметрларининг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирда, Компаниянинг ҳомийлик ва бошқа қайтарилмайдиган (моддий ёки номоддий кўринишда) ёрдамлари учун харажатлари ўтган йил соф фойданинг 3 (уч) фоизидан ортиб кетмаслик шарти билан амалга ошириш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорга чиқариш) нархини белгилаш;
- Кузатув кенгаши таркибида тегишли фаолият йўналиши бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил этиш;

- Компания коллегиял ижроия органи - бошқарувнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифаларини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш;

- Компания бошқарув раиси ўринбосарларини тайинлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Компания коллегиял ижроия органи – бошқарув раиси ва унинг ўринбосарларига тўланадиган қўшимча мукофот ва рағбатлантиришларнинг чекланган миқдорини белгилаш;

- Компанияда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун танлов асосида мустақил ташкилотни танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компанияни халқаро ташкилотларга, шу жумладан, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги ташкилотларга аъзо бўлишига рухсат бериш;

- қонун ҳужжатлари ва Компания Уставига мувофиқ бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш.

2.2 Компания кузатув кенгашининг мазкур Низом билан белгиланган ваколат доирасидаги масалалар бўйича қарорлари кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ муайян масала бўйича қарор бир овоздан қабул қилиш тартиби белгиланиши мумкин.

2.3 Компания томонидан йирик битимлар тузиш ёки аффилиланган шахс билан битимлар тузишга рухсат бериш масаласини кўриб чиқиш, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

2.3.1 Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Компания соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди. Йирик битим тузиш масаласи бўйича кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда, бундай йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилади.

2.3.2 Йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

2.3.4 Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган Компания кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Бунда Компаниянинг аффилиланган шахси билан активларининг қиймати жамият соф активлари

қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

2.4.5 Компания кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, битим бўйича қарор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Компания акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Компаниянинг аффилланган шахси, Компания кузатув кенгаши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Агар аффилланган шахс билан тузилаётган битим аynи бир вақтда йирик битим бўлса, бундай битимни тузиш тартибига ушбу Низомнинг 2.3.1- кичик банди қоидалари қўлланилади.

2.5 Компания кузатув кенгаши бошқарув раисидан Компания фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни сўраш ҳуқуқига эга. Кузатув кенгаши ўз аъзоларидан бирига текширув бўйича тегишли ваколат ва мажбуриятни юклаши ёки алоҳида аҳамиятга эга бўлган масалаларни аниқлаш учун тегишли мутахассисларни (ваколатли ташкилотларни) жалб этиши мумкин.

3. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИ САЙЛАШ

3.1 Компания кузатув кенгаши, акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга, 11 нафар аъзодан иборат сайланади. Компания кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.1.1 Давлат улуши бўйича Компания кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

3.2 Компания бошқарув аъзолари, меҳнат шартномаси (контракт) бўйича Компанияда ишлаётган бошқа шахслар Компаниянинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас. Компаниянинг шўъба ва тобе (аффилланган) хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.3 Компания акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилганда, Компания кузатув кенгаши таркибига камида уч нафар мустақил аъзо киритилади. Ушбу аъзолар ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат вакиллари томонидан амалга оширилади.

3.4 Қуйидаги шахс Компания кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

- сўнгги уч йил мобайнида Компанияда ва (ёки) унинг аффилланган шахсларида ишламаган шахс;

- Компания акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

- Компаниянинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

- Компания ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

- Компаниянинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

- давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

3.5 Компаниянинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Компания уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

3.6 Компания кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига қўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Компания кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

4. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИНИ САЙЛАШ

4.1 Компания кузатув кенгашининг раиси, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Компаниянинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

4.2 Компания кузатув кенгашининг раиси:

- кенгаш ишини ташкил этади;
- кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;
- кенгаш мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади;
- Компания акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади;
- Компания коллегиял ижроия органи – бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини Компания номидан имзолайди.

Кузатув кенгаши раиси мазкур Низом ва Компания Уставида белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

4.3 Компания кузатув кенгаши раиси бўлмаганда, унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

5. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСНИНГ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

5.1 Компания кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Компания кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг) ёки бошқарув раисининг, шунингдек Компания Уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади. Қоида тариқасида, Компания кузатув кенгаши ҳар чоракда камида бир марта йиғилади.

5.2 Компания кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

5.2.1 Кузатув кенгаш аъзолари сони, кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган ҳолларда, Компания кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши шарт.

5.2.2 Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Компания коллегиял ижроия органи – бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

5.3 Кузатув кенгашнинг мажлиси видеоконференцалоқа тартибида ўтказилиши мумкин. Видеоконференцалоқа тартибида кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кузатув кенгашининг барча аъзолари иштирок этганда кворум таъминланган ҳисобланади.

5.4 Кузатув кенгаш мажлисидаги қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ кузатув кенгаши томонидан бир овозидан қабул қилинадиган қарорлар бундан мустасно.

5.5 Кузатув кенгашнинг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи берилади.

5.6 Кузатув кенгаш томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди.

5.7 Кузатув кенгашнинг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

5.7.1 Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.8 Кузатув кенгашнинг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) кузатув кенгашнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.9 Кузатув кенгаш мажлисининг баённомаси имзоланган куни Компания бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, мазкур қарор ҳақидаги ахборот Компания бошқарувига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

6. КУЗАТУВ КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1 Компания кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- кузатув кенгашининг мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама қилинаётган масала бўйича регламент билан белгиланган вақт доирасида маъруза қилиш ва нутқ сўзлаш;

- ишларнинг ҳозирги ҳолати, Компаниянинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва тижорат фаолиятининг асосий натижалари, уни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни (шу жумладан, молиявий ҳисоботлар) олиш;

- кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги фаолияти учун ҳақ олиш, ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида компенсация тўловларини олиш.

6.2 Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида функцияларни тақсимлаш кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади.

6.3 Тарафлардан бири Компания бўлган битим тузилишидан манфаатдор бўлган ёки Компания билан бошқача тарздаги қарама-қаршилиги бўлган ёхуд Компания томонидан маълум бир битимни тузилишидан манфаатдор бўлган кузатув кенгашининг аъзоси манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида, манфаатлар тўқнашувида тўғрисидаги Компания низоми асосида бундай битим имзоланишига қадар, ўз манфаатдорлиги ҳақида кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиши шарт, қонун ҳужжатларига мувофиқ аффилиланган шахс билан битимлар тузишдаги истиснолар белгиланиш ҳолатлари бундан мустасно.

6.3.1 Битим тузилишидан манфаатдор бўлган кузатув кенгаши аъзоси Компанияга нисбатан аффилиланган шахс деб эътироф этилади. Компаниянинг аффилиланган шахслари деб эътироф этиладиган шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни билан белгиланади.

6.3.2 Мазкур бандда кўрсатилган ҳолатларда, ушбу тоифадаги битимларни тузилишига доир қарор кузатув кенгашида (манфаатдор шахс қатнашмаган ва унинг овози инобатга олинмаган тарзда) ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

6.4 Кузатув кенгаши аъзоларига, кузатув кенгаши томонидан муайян масала бўйича қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиши ва бундай ҳаракати учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиши тақиқланади.

6.5 Кузатув кенгаши аъзолари шахсий манфаатларида (шахсан бойитиш) Компания (мулкӣ ёки номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Компания фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот) имкониятларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

6.6 Кузатув кенгаши аъзолари ўз вазифаларини виждонан ва улар Компания манфаатлари учун энг самарали деб ҳисоблайдиган ҳамда шаффоф тарзда амалга оширишлари шарт.

6.7 Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш миқдорлари, Компания фаолиятининг тегишли соҳасини ривожлантиришга кўшган шахсий ҳиссасини инобатга олган ҳолда Компания акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

7. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1 Компания кузатув кенгаши аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Компания Устави, мазкур Низом ва Компанияда коррупция ҳолатларини олдини олишга қаратилган корпоратив тартиб таомилларни белгилловчи ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Компания олдида жавобгар бўлади.

7.2 Компанияга зарар етказилишига олиб келган қарор бўйича қарши овоз берган ёки овоз беришда иштирок этмаган кузатув кенгаши аъзоси жавобгар бўлмайди.

7.3 Компания ёки Компаниянинг жойлаштирилган акцияларининг камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядори (акциядорлари) кузатув кенгаши аъзосига нисбатан Компанияга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.4 Компания кузатув кенгаши аъзоси қуйидагилар натижасида Компанияга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

7.4.1 Чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

7.4.2 Қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

7.4.3 Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан, Компания билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан даромад олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

8. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҚЎМИТАЛАРИ

8.1 Компания кузатув кенгаши ваколатига тааллуқли айрим масалалар бўйича тавсияларни дастлабки кўриб чиқиш ва тайёрлаш орқали кузатув кенгаши ишининг самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида кузатув кенгаш аъзоларидан таркиб топган қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

8.1.2 Агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида, Компания кузатув кенгаши таркибида ёки кенгаш аъзоларидан таркиб топган ҳолда муайян вазифаларни амалга оширувчи қўмиталар ташкил этиш кўзда тутилган бўлса, бундай қўмита мажбурий тарзда ташкил этилади.

8.2 “Ўзбектелеком” АК кузатув кенгаши аъзолари таркибидан ташкил топган қуйидаги қўмиталар ташкил этилади:

Стратегия ва инвестициялар қўмитаси;

Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси;

Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси;

Аудит қўмитаси.

8.3 Кузатув кенгаши қўмиталарининг фаолияти, уларнинг ваколати масалалари, қўмиталар таркибини шакллантириш тартиби ва фаолияти, қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қўмиталар ҳисоботларини тақдим этиш ва фаолиятини таъминлаш тартиби кузатув кенгаш томонидан тасдиқланадиган тегишли қўмита тўғрисидаги низом билан белгиланади.

9. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ

9.1 Компания кузатув кенгаши қарорларининг ижро этилиши Компания коллегиял ижроия органи – бошқаруви томонидан таъминланади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1 Мазкур Низом Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган санадан бошлаб кучга киради.

10.2 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган тақдирда, қонун ҳужжатларига зид бўлган ушбу Низом қоидалари ўз кучини йўқотади ва белгиланган тартибда Низом қоидалари қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилгунга қадар, тўғридан-тўғри қонун ҳужжатлари қоидаларига амал қилинади.

10.3 Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади.